2010-yil 28-avgust № 105-106 (2831) shanba

# Ishonch

Insonga naf keltirish – oliy baxt

O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

**Моҳият**

*Фарзандларимиз, ёшларимиз бизнинг нафақат ишончимиз ва келажагимиз, ёшларимиз бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир.*

*Ислом КАРИМОВ*

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎН ТЎҚҚИЗ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ ҲАМДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

*Мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш ва ислоҳотларни муваффақиятли амалга оширишдаги катта хизматлари, кўп йиллик самарали меҳнати билан қишлоқ ва сув хўжалиги, саноат, транспорт, алоқа ҳамда қурилиш соҳаларини ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси, ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:*

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ПАХТАКОР»**

**Кенжаев Қаҳрамон** — Касби туманидаги «Кенжа бобо Эгамбердиев» фермер хўжалиги бошлиғи, Қашқадарё вилояти

**Тўхтаев Ҳамроқул** — Ромитан туманидаги «Тўхтамурод» фермер хўжалиги бошлиғи, Бухоро вилояти

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ХОДИМИ»**

**Эшанкулов Абдукаюм Жаппарович** — Гулистон туманидаги «Ғайрат» фермер хўжалиги бошлиғи, Сирдарё вилояти

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ПИЛЛАЧИ»**

**Бойкузиева Турсинай Имамбердиевна** — Поп туманидаги «Рўзихўжаев Исомиддин» фермер хўжалиги пиллачиси, Наманган вилояти

**Туйчиева Зокиятхон Якубовна** — Қува туманидаги «Ахрор Аброр Тўйчиев» фермер хўжалиги пиллачиси, Фарғона вилояти

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЧОРВАДОР»**

**Куйлиев Араб** — Нишон туманидаги «Нишон» қоракўлчилик-наслчилик ширкат хўжалиги бош чўпони, Қашқадарё вилояти

**Турдимуратов Сайдьмамут Айтбаевич** — Учқудуқ туманидаги «Мингбулоқ» ширкат хўжалиги бош чўпони, Навоий вилояти

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН САНОАТ ХОДИМИ»**

**Комилов Курвонали Арапович** — «GM O`zbekiston» акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқариш бошқармаси устаси, Андижон вилояти

**Кузиев Менгали Нормухамадович** — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл компаниясининг 166-темир йўл машина станцияси корхонаси йўл таъмирловчиси

**Турғунов Махмуд Тайирович** — «Оҳангаронцемент» очиқ акциядорлик жамиятининг майдаловчиси, Тошкент вилояти

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ҚУРУВЧИ»**

**Юсупов Абдулла Агзамович** — «Кўприк қурилиш трести» давлат унитар корхонасининг Сирғали туманидаги 13-кўприк қурилиш отряди бошлиғи, Тошкент шаҳри

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АЛОҚА ХОДИМИ»**

**Ахмедов Бехзод Баходирович** — «Уздунробита» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги хорижий ишлаб чиқариш корхонаси бош директори

**Каримов Шухрат Мухамеджанович** — «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси «Тошкент телеграф телефон станцияси» филиали директори ўринбосари

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ТРАНСПОРТ ХОДИМИ»**

**Абдуварисов Абдурасул Мажидович** — Собир Раҳимов туманидаги «3-автобус саройи» акциядорлик жамиятининг ҳайдовчиси,Тошкент шаҳри

**Раимов Бахром Джураевич** — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл компаниясининг Термиз локомотив депоси машинист-мураббийи, Сурхондарё вилояти

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ИРРИГАТОР»**

**Аймбетов Онғарбай Байжанович** — Кегейли туманидаги «Қизкеткен-Кегейли» ирригация тизимлари бошқармасининг тракторчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Артиков Кахраман Исмаилович** — «Қуйи-Амударё» ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги Хоразм гидрогеология мелиоратив экспедицияси бошлиғи

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ФУҚАРО АВИАЦИЯСИ ХОДИМИ»**

**Ахмаджанов Рустам Абдуллаевич** — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг «Ми-8» вертолёти бортмеханик-йўриқчиси

**Гафиятулин Ильдар Шагиахмедович** — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг «Боинг» учувчилар отряди командири

*Самарали меҳнати ва эришаётган ютуқлари билан мамлакатимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш ҳамда иқтисодий қудратини оширишга, шахсий ибрати билан халқимизни, айниқса, ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга қўшган улкан ҳиссаси, меҳнатсеварлиги, ватанпарварлиги, жамоат ишларидаги фаоллиги билан умумхалқ иззат-ҳурматига сазовор бўлганлиги учун қуйидагилар мукофотлансин:*

**«ЭЛ-ЮРТ ҲУРМАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Анкабаев Шадиёр Яхшиликович** — Дўстлик туманидаги «Саритепа» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, Жиззах вилояти

**Багбеков Хаитмат** — Республика «Усто» бирлашмасининг Хоразм амалий ва бадиий ишлаб чиқариш корхонаси ёғоч ўймакор устаси, Хоразм вилояти

**Кайимова Фазолат Камоловна** — Навоий шаҳридаги «Меҳрибонлик уйи» тарбиячиси, Навоий вилояти

**Мирзалиева Карима** — Наманган шаҳридаги «Ўзбекистон» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Наманган вилояти

**Муминов Хайрулла** — Собир Раҳимов туманидаги «Чиғатой Оқтепа» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Тошкент шаҳри

**Нигматов Хамид Гуламович** — Бухоро давлат университетининг «Ўзбек филологияси» кафедраси профессори, Бухоро вилояти

**Нишанова Гавхарой** — Мирзаобод туманидаги «Нурафшон» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, Сирдарё вилояти

**Норматов Исмоилжон** — Республика «Нуроний» жамғармасининг Булоқбоши туман бўлими раиси, Андижон вилояти

**Сейтназарова Базаргул Райхановна** — Қорақалпоқ давлат университети қошидаги 1-академик лицей ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Сувонкулова Хосиятхон** — Бешариқ туманидаги «Қоражийда» қишлоқ фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Фарғона вилояти

**Шоматов Мархия Абдивохидович** — Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасининг Олмалиқ шаҳар бўлими раиси, Тошкент вилояти

**Курбанова Майна Эшбўриевна** — Нишон туманидаги «Майна Қурбонова» фермер хўжалиги бошлиғи, Қашқадарё вилояти

**«ФИДОКОРОНА ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Абдуллаев Ахмадали Курвоналиевич** — Наманган шаҳридаги «Наманган Мегақурилиш» масъулияти чекланган жамиятининг экскаватор машинисти

**Атажанов Садулла** — Хива туманидаги «Гулистон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Хоразм вилояти

**Бекниязов Даўлетнияз** — Нукус туманидаги «Ақманғит» шаҳарча фуқаролар йиғини раиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Бобомуродов Саъдулло Хидирович** — «Муборакнефтгаз» унитар шўъба корхонасининг нефт ва газ қазиб чиқариш оператори, Қашқадарё вилояти

**Курбанов Юсуф Курбанович** — Республика «Нуроний» жамғармасининг Бухоро вилояти бўлими раиси

**Усманов Ахмад Тугилович** — Андижон вилояти ҳокими

**Хайриев Мехридин** — «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонасининг Марказий кон бошқармаси «БелАЗ» автомашинаси ҳайдовчиси

**Хамракулов Юсуп Джурабаевич** — «Сирдарё иссиқлик электр станцияси» очиқ акциядорлик жамиятининг 2-қозон турбина цехи смена бошлиғи

**(Давоми 2-бетда)**

## Ўзбек автомобили русуми яна биттага кўпайди



**Мустақиллик куни арафасида «GM Uzbekistan» қўшма корхонаси «Ўзэкспомарказ»да Андижон вилоятининг Асака заводида ишлаб чиқарилган янги Chevrolet Spark автомобилини кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола қилди.**

2008 йилнинг сентябрида «GM Uzbekistan» қўшма корхонаси ва Жанубий Кореянинг General Motors Daewoo Auto and Technology компанияси Spark автомобилини ишлаб чиқаришни ташкил қилиш учун машина ва ускуналарни етказиб бериш тўғрисида шартнома имзолаган эди. 2009 йилнинг январида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Асака заводида ушбу русумдаги автомобилларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилган эди. Spark мазкур корхонада ишлаб чиқарилаётган еттинчи русумдаги автомобилдир. Асака заводида ўрнатилган янги конвейер линияси йилига 50 мингта Spark ишлаб чиқариш қувватига эга.

Chevrolet Spark — замонавий, қулай ва дизайнининг ўзига хослиги билан ҳам эътиборни тортмоқда. Хавфсизлик ёстиқлари билан жиҳозланган ва кузовини тайёрлашда мустаҳкам пўлатдан фойдаланилган мазкур автомобил хавфсизлик бўйича юқори баҳоланаяпти.

Инглизчада «учқун» маъносини англатувчи мазкур автомобилни мамлакатимиз мустақиллигининг 19 йиллигига автосаноатчиларнинг муносиб совғаси бўлди дейиш мумкин.

**ЎзА материаллари асосида тайёрланди**

1991 2010




# Қатрада акс этган қуёш

**Юртимизда яшайдиган ҳар бир соғлом фикрли инсонга яхши аёнки, бугунги тинч ва осойишта ҳаётга, тобора обод бўлиб бораётган фаровон турмушга осонликча эришганимиз йўқ. Биз мустақил тараққиётимиз йўлида қанча-қанча машаққатли синов ва имтиҳонлардан ёруғ юз билан ўтдик. Халқимизга хос меҳнаткашлик, бағрикенглик, сабр-қаноат, ўта мураккаб вазиятларда ҳам вазминлик билан иш тутиш фазилатлари, Президентимизнинг ҳар томонлама пухта ўйланган ва изчил амалга оширилаётган сиёсати туфайли мустақиллик биз учун реал воқеликка, ҳеч қачон орқага қайтмайдиган жараёнга, буюк ҳаётий қадриятга айланди. Буни тушуниш, англаш учун тарихни яхши билиш, уни ёдда тутиш лозим.**

Бугун яқин тарихимизни эслаб, чуқурроқ таҳлил қилиб кўрадиган бўлсак, собиқ империя ҳукмронлиги даврида, КПССнинг мустабид сиёсати давом этаётган, унинг марказдаги раҳбарлари турли сиёсий ўйинларнинг бошида турган ўта оғир ва мураккаб дамларда айнан Юртбошимиз Ислом Каримовнинг жасорати, дадил ва узоқни кўзлаб амалга оширган ҳаракатлари сабабли юртимизнинг кейинги истиқболи учун ғоят муҳим қадамлар қўйилганига ишонч ҳосил қиламиз. Масалан, 1990 йилнинг 24 мартида собиқ иттифоқдош республикалар орасида биринчи бўлиб Ўзбекистонда Президентлик бошқаруви жорий этилгани турли зуғумлардан сабр косаси тўлган халқ эскича яшашни истамай қолган, собиқ Марказдаги раҳбарлар эса мамлакатни бошқара олмай қолган бир шароитда якка-ю ягона тўғри йўл бўлганини бугун, орадан йиллар ўтиб чуқурроқ англамоқдамиз.

Президент Ислом Каримов «Литературная газета»нинг 1991 йил 14 август сонида чоп этилган интервюсида ўша вақтдаги ижтимоий-сиёсий вазиятнинг аниқ манзарасини тасвирлаб, жумладан, шундай деган эди: ***«Республиканинг миллий даромади Иттифоқ бўйича олинган ўртача кўрсаткичдан икки баравар, Болтиқбўйидагига нисбатан уч марта паст. Қашшоқликнинг доимий йўлдоши демографик портлаш аҳволни янада чуқурлаштирмоқда. Буларнинг барчаси — қурилиш ашёларидан тортиб олтин ва урангача — ҳамма ресурсларга эга бўлган бой ўлкада рўй бермоқда... Ночор ҳаётга, оч-наҳор қолишга ва ҳамма зарур нарсаларни узоқ-узоқлардан ташиб келишга маҳкум одамларнинг сабр косасини тўлдирган нарса бу эмас. Бошқа нарса — миллий камситишга тоқат қилиш мумкин бўлмай қолди.»***

Дарҳақиқат, собиқ Марказ томонидан туриб уюштирилган «пахта иши» компаниясидан қаттиқ жабр кўрган, тили, дини, азалий қадриятлари, шаъни топталган халқимиз ўша пайтда республикани инқироз ботқоғидан олиб чиқишга қодир бўлган Йўлбошчига муҳтож эди. Президент бошқаруви ана шу оғир дамларда бамисоли эл-юрт дардига малҳам бўлди. Энг муҳими, бундай самарали бошқарув бутун юртимиз, минтақамиз тинчлигига хавф солиб турган ижтимоий тангликни юмшатиш учун тезкор қарорлар қабул қилиш ва амалга ошириш имкониятини яратиб берди.

Мустақиллик арафасида ва истиқлол йилларида айнан ана шундай ўз вақтида қабул қилинган тўғри қарорлар туфайли халқимиз ва Ватанимиз тақдирига, унинг истиқболига дахлдор кўплаб муаммолар ижобий ҳал этилгани, жамиятимиз оғир йўқотиш ва талофатларсиз қанча-қанча таҳликали синовлардан ўтганига бугун қайта-қайта ишонч ҳосил қилмоқдамиз.

Агарда ўтган давр мобайнида юртимизда қабул қилинган давлат ва жамият қурилишига оид ҳужжатларни, Президентимиз асарлари ва маърузаларида баён этилган фикр-мулоҳазаларни хронологик тарзда қиёслаб-таққослаб кўрадиган бўлсак, мустақиллик йилларида мамлакатимиз ва халқимиз нене қийинчиликларни мардона енгиб, ғоят машаққатли, айни пайтда шарафли йўлни босиб ўтганини ўзимизда чуқур тасаввур этиш имконига эга бўламиз.

Албатта, ҳар бир йили ўн ва юз йилларга тенг бўлган бу улуғвор йўлни барча ютуқлари, қувонч ва изтироблари билан биргина мақолада тўла акс эттиришнинг иложи йўқ. Биз бу ўринда фақат мамлакатимизда амалга оширилган ва оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг бир жабҳасига, яъни, юртимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш йўлида олиб борилган улкан ишларга бир назар ташлашни мақсад қилдик.

Бу ҳақда гапирганда, бугунги кунда халқимиз, дунё жамоатчилиги томонидан кенг эътироф этилган ҳақиқатни яна бир бор таъкидлаш лозим: баркамол авлод тарбиясига эътибор, соғлом насл тарбиячиси бўлган она ва аёлга эҳтиром, оила институти, таълим-тарбия соҳаси ҳақида ғамхўрлик Ислом Каримов фаолияти марказидаги асосий устувор йўналишлардан бири бўлиб келмоқда. Ўзбекистон Президентининг биринчи фармони ёш болали оналарга ғамхўрлик кўрсатиш ҳақида бўлгани ҳам фикримизнинг яққол исботидир.

Давлатимиз раҳбарининг маърузаларидан келтирилаётган қуйидаги иқтибосларга эътибор қаратадиган бўлсак, юртимизда соғлом ва баркамол фарзандларни камолга етказиш борасида амалга оширилган кенг миқёсли ишлар яна бир бор кўз ўнгимизда ёрқин намоён бўлади.

* * *

***«Истеъдодли ёшларимизнинг, йигит-қизларимизнинг ўз қизиққан соҳаларида етук инсонлар бўлиб етишиши учун тегишли шарт-шароитлар ҳали тўла яратилгани йўқ.***

***Агарки биз ўзимизнинг маънавий бурчимизни оқлашни истасак, уларга оталарча ғамхўрлик қилишимиз керак. Ана шу мақсадда биз уларнинг мамлакатимиз ва чет эллардаги нуфузли илмий марказларда таълим олиши учун маблағлар ажратдик. Бу ишлар учун ҳеч нарсани, шу жумладан, валютани ҳам аямаймиз.»***

*(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг биринчи сессиясида сўзланган нутқдан, 1990 йил 24 март)*

* * *

***«Ҳар бир оқил инсоннинг ва жамиятимизнинг муқаддас вазифаси, айтиш мумкинки, ҳаётининг маъноси қобил фарзандлар ўстириш, уларни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан мукаммал қилиб тарбиялаш, камолини кўриш, ота-онасига, Ватанига садоқатли кишилар этиб вояга етказишдан иборатдир.***

***Шу маънода давлатимизнинг биринчи юксак нишони бўлмиш «Соғлом авлод учун» ордени ҳам инсон тақдирини, жамият тақдирини, келажак тақдирини, олдимизда турган улуғ мақсадларни кўзлаб таъсис этилди.***

***Бинобарин, унга сазовор кишиларни бу вазифаларни сидқидилдан адо этадиган, ёш авлод камолоти учун ўзини бағишлайдиган фидойи инсонлар деб биламиз. Уларни улкан давлат вазифасини бажараётган одамлар сифатида ҳар томонлама ҳурмат-иззат қиламиз.»***

*(«Соғлом авлод учун» орденини топшириш маросимида сўзланган нутқдан, 1994 йил 2 май)*

Мамлакатимизнинг сиёсий мавқеи мустаҳкамланиб, иқтисодий салоҳияти ўсиб боргани сари ижтимоий ҳимояга кўпроқ маблағ ажратиш, жумладан, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масаласини комплекс ҳал этиш имконияти пайдо бўлди. «Соғлом она — соғлом бола» тушунчаси турмуш тарзимизга чуқур сингиб, ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин ола борди. «Оила йили», «Соғлом авлод йили», «Аёллар йили», «Оналар ва болалар йили», «Ёшлар йили» сифатида тарихимизга кирган йилларда махсус давлат дастурлари қабул қилиниб, бу борада ниҳоятда катта ишлар амалга оширилди.

Юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 8 йиллигига бағишлаб, 2000 йил 7 декабрда ўтказилган тантанали маросимда сўзлаган нутқидаги ушбу мисоллар бу фикрни яққол тасдиқлайди:

***«Бугунги кунда «Оналик мактаби», «Тиббий ишлар асоси», «Балоғат даври» каби бир қанча дастурлар ҳаётга жорий этилмоқда.***

***Шунингдек, «Оила кодекси»га биноан никоҳ қуришдан олдин ёшларни тиббий кўрикдан ўтказиш, ёш оилалар учун дастлабки беш йил мобайнида диспансер назоратини ташкил этиш ишлари йўлга қўйилиб, бунга 170 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди.***

***Ҳозирги пайтда ҳар бир шаҳар ва тумандаги Никоҳни қайд этиш бўлимлари қошида ёшларга оила, унинг муқаддаслиги, унинг масъулияти, фарзанд тарбияси каби ўта муҳим масалалар тўғрисида зарур маълумот ва сабоқ берадиган «Оила дорилфунунлари» очилгани, қисқа вақт ичида уларда 20 мингдан зиёд йигит-қиз қатнашгани эътиборга молик.***

**(Давоми 3-бетда)**

# Қатрада акс этган қуёш

( Давоми. Боши 1-бетда)

Иккинчи муҳим йўналиш — давлат, жамият ва оиланинг соғлом зурриёт тарбияси учун эътибор ва ғамхўрлигини ошириш бўйича ҳам катта ишлар қилинди.

Жумладан, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси томонидан алоҳида эътибор талаб қиладиган ҳудудларда қарийб 20 минг оила, 30 мингдан зиёд турмуш қураётган йигит-қиз тиббий патронаждан ўтказилди ва уларга ҳомийлик тиббий ёрдами кўрсатилди. 5 миллиондан зиёд фарзанд кўриш ёшидаги аёллар, 6 ёшгача бўлган болаларнинг қарийб 98 фоизи ҳар томонлама тиббий кўрикдан ўтказилиб, даволанишга муҳтож бўлганлари диспансер назоратига олинди ва уларни соғломлаштириш ишлари давом этмоқда.

Ушбу жамғарма орқали 6 миллион АҚШ доллари миқдоридаги мурувват ёрдамининг туғруқхоналар ва болалар тиббий муассасаларини энг замонавий асбоб-ускуналар, дори-дармонлар билан узлуксиз таъминлашга қаратилгани ҳам соғлом зурриётни дунёга келтириш борасидаги муҳим қадам бўлди.

Шу билан бирга, Республика гинекология-акушерлик илмий-тадқиқот институтининг Жиззах, Нукус, Қарши ва Наманган шаҳар бўлимлари ташкил этилди...»

Орадан бир йил ўтиб, айнан шу йўналишда баён этилган қуйидаги фикрлар алоҳида эътиборга лойиқдир:

«Барча вилоятларда Шошилинч тиббий ёрдам маркази филиаллари ишга тушди, қишлоқ врачлик пунктлари тармоғи кенгайтирилди. Олти ёшгача бўлган болаларнинг деярли барчаси тиббий кўрикдан ўтказилди. Скрининг-марказ ташкил этиш дастури амалга оширилди.»

*(Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2001 йилда иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузадан, 2001 йил 16 февраль)*

* * *

«Она ва бола» дастурини тайёрлаш ва амалга ошириш давомида биз ўз олдимизга қўйган кўп-кўп янги масалаларни ҳам ҳал этишга эришдик. Айниқса, ушбу дастурни амалга ошириш жараёнида юртимиздаги аёлларнинг 90 фоизи тиббий профилактик кўрикдан ўтказилгани диққатга сазовордир.

Шунингдек, республикамизнинг барча минтақаларида «Она ва бола скрининги» каби биз учун янги бўлган тизимлар жорий этилганини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Бу марказларда ҳозиргача 580 мингдан ортиқ аёлларимиз профилактик кўрикдан ўтиб, малакали тиббий маслаҳатлар олгани уларнинг саломатлигига ижобий таъсир кўрсатиши шубҳасиз.

Табиийки, бундай дастурларни ҳаётга татбиқ этиш учун катта куч-ғайрат, катта маблағ ва моддий имкониятлар керак бўлади. Буни биргина «Она ва бола» дастурида 2001 йил учун белгиланган вазифаларни бажаришга 86 миллиард сўм ва 20 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағ сарфланганидан ҳам билиш мумкин.

Биз дастур ижросини таъминлаш учун керакли молиявий манбаларни қидириб топишга, республика ва маҳаллий бюджетлар, жамоат ташкилотлари, турли жамғармалар, халқаро ташкилотларнинг имкониятларини сафарбар қилишга эришдик.»

*(Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 9 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқдан, 2001 йил 7 декабрь)*

2009 йилга келиб, бу борадаги ишларнинг қандай улкан кўлам ва миқёс касб этганини яққол кўришимиз мумкин:

«2010 йилда давлат бюджетида соғлиқни сақлаш соҳасидаги харажатларимизни 1 триллион 700 миллиард сўм атрофида белгилаб, яъни бу йилга нисбатан 30 фоизга кўпайтиришни кўзда тутмоқдамиз. Ўрни келганда айтиш керакки, янги 2010 йилда давлат бюджетининг 50 фоиздан кўпроғи мамлакатимизда фақат таълим-тарбия ва соғлиқни сақлаш соҳаларини ривожлантиришга йўналтирилади.»

*(Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали маросимдаги маърузадан, 2009 йил 5 декабрь)*

Ўтиш давридаги қийинчиликларга қарамасдан, соғлом авлод тарбиясининг узвий қисми тариқасида таълим ва тарбия масаласини энг муҳим вазифа сифатида кун тартибига қўйиб, давлатимиз бунинг учун маблағ ҳам, имконият ҳам топа олгани, ҳеч шубҳасиз, бизнинг тарихий аҳамиятга эга беқиёс ишларимиз қаторига киради. Энг асосийси, бундай олижаноб вазифа барчамизнинг, бутун жамиятнинг, шу юртда яшайдиган ҳар бир одамнинг инсоний бурчига айланди.

Улуғ маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлонийнинг «Тарбия — биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё саодат, ё фалокат масаласидир» деган чуқур мазмунли сўзларининг давлатимиз раҳбари томонидан такрор-такрор тилга олиниши бежиз эмас, албатта.

Президентимиз маърузаларидан келтирилаётган қуйидаги иқтибослар бу борадаги ишларнинг 2000 йилгача бўлган ва ундан кейинги манзараси, динамикаси ва кўламини тасаввур этиш имконини беради, деб ўйлаймиз.

* * *

«Яқинда, шу ўқув йили бошланиши билан, Тошкентнинг эски шаҳар қисмида 24-мактабнинг янги биноси қуриб битказилди. Бу мактаб бугунги замонавий ҳаёт талабларига жавоб берадиган ўқув даргоҳига айланди. Бир қарашда, бу мамлакат миқёсида, Тошкент шаҳри миқёсида унчалик кўзга ташланмайдиган воқеа. Лекин, бунга бошқача кўз билан қарасак, шу мактабда тарбия олаётган 1800 боланинг 1800 оиласи мана шу ғамхўрликдан баҳраманд ва бахтиёр бўлганига мен ишонаман.

Қани энди, шундай олижаноб воқеалар юртимизда, ҳар бир шаҳар, туман ва қишлоқда янада кўпроқ бўлса! Қани энди, ҳар қайси ҳокимлик вазифасида ўтирган, ўзини халқ етакчиси деб ҳисоблайдиган раҳбар биттадан шунга ўхшаш мактаб қурса!..

Ўзларинг бир ҳисоблаб чиқинглар, шу ишимиз билан қанча фарзандлар ва уларнинг ота-оналарини рози қилардик!»

*(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XVI сессиясида сўзланган нутқдан, 1994 йил 22 сентябрь)*




Шуниси эътиборлики, мустақиллик даврида ота-боболаримизнинг эзгу анъанасини муносиб давом эттирган ҳолда, маориф соҳасига ҳомийлик қилиб, бир қатор маърифатпарвар юртдошларимиз ўз маблағлари ҳисобидан янги мактаб бинолари қурдилар. Юртбошимиз турли йиғин ва учрашувларда бу эзгу ташаббусни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, бундай саховатпеша инсонларнинг номларини, уларнинг маънавий қадриятларимизга мос келадиган, элу юртга сидқидилдан қилинган хизматларини ибрат намунаси сифатида таъкидлаб ўтди.

Лекин фақат бу йўл билан бундай улкан муаммони ҳал қилиб бўлмас эди. Бу ишга давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар қилиш зарур эди.

Маълумки, ўша пайтда юртимиздаги кўплаб мактабларнинг моддий-техник базаси жуда ночор ва аянчли ҳолатга келиб, таълим-тарбия ишларидан путур кетиб, аҳвол ғоят ташвишланарли тус олган эди. Президент Ислом Каримов мавжуд аҳволни таҳлил қилиб, аччиқ, лекин ҳаққоний хулоса чиқаради, жамоатчилик эътиборини ана шу оғир муаммони ҳал этишга қаратиб бонг уради:

«Республикамизда тахминан 5 миллион 200 минг мактаб ўқувчисидан 9-синфни битираётганлар 450 минг нафар болани ташкил қилади.

Хўш, ўзимизча бир тасаввур қилиб кўрайлик. 9-синфни тугатаётганларнинг кейинги йўли — тақдири қандай бўлиб қолмоқда?

Маълумотларга қараганда, уларнинг 250 минг нафарга яқини, яъни 55 фоизи 10-синфда ўқишни давом эттирар экан, тахминан 100 минг нафари ҳунар-техника ёки махсус ўқув юртларига кириши мумкин. Қолганлари эса — гап 100 минг нафар болаларимиз ҳақида кетяпти — ҳисоб-китоб бўйича, умуман кўчада қолмоқда. Бу маълумот ҳам тўлиқ эмас. 11-синфни битираётганлардан 20-25 минг нафари, яъни ҳаммаси бўлиб, 10 фоизи олий ўқув юртларига ўқишга кириши мумкин.

Қолган 90 фоизи эса на бир аниқ ихтисос, на бир эртанги ҳаётга керак бўладиган малака ва на бир касб-ҳунарни эгаллай оляпти. Ва шунинг оқибатида 16-18 яшар йигит-қизларимиз ўз қобилияти, ҳаваси, интилишига мос, ҳаётда ўзига муносиб ўрин тополмаяпти.»

Хўш, юзага келган бундай мушкул аҳволни қандай қилиб ўнглаш, қандай қилиб бу ўта мураккаб масаланинг оқилона ечимини топиш мумкин? Юртбошимиз бу ҳақда чуқур ва ҳар томонлама ўйлаб, моҳияти ва аҳамиятига кўра дунёда муқобили бўлмаган, бугунги кунда бутун дунёда ҳақли равишда эътироф этилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг асосий концепциясини таклиф этади ва бу дастурни амалга оширишнинг энг муҳим талаб ва қоидаларини чуқур асослаб беради:

«...Биринчи босқич — ўтиш даври бўлиб, у 1997-2001 йилларда, яъни 4 йил давомида жорий этилади. Бунда кадрлар тайёрлаш тизими салоҳиятини сақлаб қолиш, унинг ривожланиши учун ҳуқуқий-меъёрий, илмий-методик, молиявий-моддий шарт-шароитлар яратиш лозим. Бу босқичда асосан қуйидаги вазифаларни бажариш керак:

Миллий дастурни амалга оширишнинг бошланиши: янги талабларга жавоб бера оладиган педагог кадрларни тайёрлаш, ўқув стандартларини яратиш ва янги ўқув программалари устида ишлаш, умумтаълим мактабларини тузилиш жиҳатидан қайта қуриш, уч йиллик таълим (ўрта махсус ва касб-ҳунар билим юртлари, касб коллежи ва академик лицей) тизимига замин тайёрлаш, узлуксиз таълим-тарбия тизимига асос соладиган тадбирларни амалга ошириш, ижтимоий ҳимояни кафолатлаш каби масалаларни ечиш босқичи.

Иккинчи босқич — 2001-2005 йилларни ўз ичига олади. Бунда Миллий дастурни кенг миқёсда тўлиқ амалга оширишга эришиш даркор.

Учинчи босқич — 2005 ва кейинги йилларга мўлжалланган бўлиб, унда тўпланган тажрибаларни таҳлил этиш ва умумлаштириш асосида ўзгарувчан ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларни эътиборга олган ҳолда кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш зарур.

...Молия вазирлигининг ҳисоб-китоблари бўйича Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини жорий этишда давлат бюджетида қўшимча сарф-харажатларнинг ҳажми ўтиш даврининг ўзида тахминан 65 миллиард сўмни ташкил этади.

Кўриб турибсизки, халқ таълимини тубдан ислоҳ қилиш, мазкур дастурни амалга ошириш биздан ниҳоятда катта куч, маблағ ва имконият талаб қилмоқда. Лекин истиқболимиз, иқболимиз кўзи билан қараганда, ҳам иқтисод, ҳам сиёсат, ҳам маънавият нуқтаи назаридан бу сарф-харажатларга назар ташласак, ундан келадиган манфаат ҳар қандай сарф-харажатларни қоплаши ва оқлаши муқаррар.»

*(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясида сўзланган нутқдан, 1997 йил 29 август)*

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури бўйича амалий ишлар бошлаб юборилганидан сўнг, 2004 йили бу дастурнинг мантиқий давоми сифатида Президентимизнинг бевосита раҳбарлигида Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури ишлаб чиқилди. Унга кўра, мактаб таълим тизимини тубдан яхшилаш; энг юқори замонавий талабларга мос келадиган ўқув-моддий базаси ва таълим стандартларини шакллантириш; яшаш жойидан қатъи назар, қишлоқ ва шаҳар мактабларининг моддий базаси ҳамда таъминланиш даражасидаги тафовутларни босқичма-босқич бартараф этиш асосида болаларнинг таълим олиши учун тенг шарт-шароитларни яратиш; ўқитувчилар меҳнатини ҳар томонлама рағбатлантириш белгилаб олинган эди. Таълим соҳасидаги ушбу миллий дастурларнинг дастлабки якунлари шуни кўрсатади:

«Юртимиз бўйича жами 1 минг 957 та мактаб қурилган ва реконструкция қилинган бўлса, уларнинг 1 минг 622 таси айнан қишлоқ жойларда экани диққатга сазовордир. Шулар қаторида 2009 йилда барпо этилган 214 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежининг 170 таси қишлоқ туманларимизда бунёд этилгани ва реконструкция қилинганини таъкидлаш лозим.

Айнан қишлоқ жойлардаги ана шу билим даргоҳларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва жиҳозлаш учун жами 895 миллиард сўм маблағ сарфлангани, айтиш керакки, мамлакатимиз тарихида илгари ҳеч кўрилмаган ҳодисадир.»

*(Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 17 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузадан, 2009 йил 5 декабрь)*

Шу ўринда яна баъзи рақамларга эътибор берайлик:

«Юртбошимизнинг ташаббуси билан ташкил этилган Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 1123 та болалар спорт иншооти қурилиб, фойдаланишга топширилган бўлса, уларнинг 922 таси (82 фоизи) қишлоқ жойларда барпо этилди. Шунингдек, умумтаълим мактаблари қошида 674 та спорт зали қурилди. Ушбу спорт мажмуаларининг барчаси тегишли спорт анжомлари ва инвентарлари билан таъминлангани эса, бугунги кунда уларда жами 2,22 миллион нафар ўқувчи ёшларнинг спортнинг 23 тури бўйича мунтазам шуғулланишига имконият яратмоқда.»

* * *

«Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 июндаги «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорининг ижросини таъминлаш бўйича тизимдаги таълим муассасаларида жами 1150 та ахборот-ресурс маркази ташкил этилди, уларнинг барчаси тегишли адабиётлар, компютер, мултимедиа воситалари, мебеллар билан таъминланди.»

* * *

«Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган давлат дастурига мувофиқ, 2009 йили 6 та болалар мусиқа ва санъат мактаби алоҳида лойиҳа асосида капитал реконструкция қилиниб, замонавий жиҳозлар билан таъминланди. Жорий йилда 14 та болалар мусиқа ва санъат мактаби бинолари янгидан қурилаётган бўлса, 32 тасида капитал реконструкция ишлари олиб борилмоқда. 2014 йилгача дастур доирасида жами 278 та болалар мусиқа ва санъат мактабининг замонавий кўриниш ҳамда дизайнда барпо этилиши белгиланган. Шу орқали ёшларимизнинг миллий ва жаҳон мусиқаси, тасвирий санъатнинг юксак намуналаридан кенг баҳраманд бўлиши учун зарур шароитлар яратиш, бошланғич мусиқий таълим тизимини такомиллаштириш, болалар мусиқа ва санъат мактабларини ҳар томонлама ривожлантириш, яъни уларнинг моддий-техник базасини яхшилаш ҳамда педагоглар билан таъминлаш масалалари тўлиқ ҳал этилади.»

* * *

«Бу йил жами 9772 та умумтаълим мактабида 4 681 457 нафар ўқувчи мактаб таълимини давом эттиради. Шулардан 474 900 нафарга яқин болажонларимиз таълим даргоҳининг қутлуғ остонасига илк бор қадам қўяди. Анъанага кўра, уларга оталарча меҳрибонликнинг, юксак эътиборнинг рамзи сифатида муҳтарам Президентимизнинг махсус совғалари топширилади. Баркамолликка элтувчи йўлнинг масъулиятли босқичи олдида турган болаларимизга ўзига хос бир рағбат, эзгуликка даъват бўлиб хизмат қилаётган ушбу 12 номдаги ўқув қуролларидан иборат совғалар ҳамда барча дарсликлар тахт қилиб қўйилди.»

*(«Фарзандлар камоли — юрт истиқболи» мақоласидан. «Халқ сўзи» газетасининг 2010 йил 3 август сони)*

Бизнингча, бу иқтибосларни шарҳлаб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Ўзбекистонда ижтимоий соҳа, жумладан, таълим-тарбия харажатларига давлат бюджети маблағларининг 50 фоиздан кўпроғи сарф этилаётганининг ўзи кўп нарсани англатади.

Баркамол авлод таълим-тарбияси ҳақида сўз юритилар экан, тизимда ҳал қилувчи бўғинни ташкил этадиган ўқитувчи-мураббийларга кўрсатилаётган улкан эътиборни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Масалан, 1991-1993 йиллар оралиғида республика бўйича 900 мингтага яқин уй-жой хусусийлаштирилган бўлса, шундан 300 мингдан кўпроқ квартира фахрийларга, ўқитувчиларга, тиббиёт ходимлари, ижодий ва илмий ходимларга бепул топширилди.

«Мен 30 йилдан бери бошланғич синфларда ўқитувчилик қиламан, — дейди Тошкент шаҳар Сергели туманида яшовчи муаллима, Халқ таълими аълочиси Ўлмасой Каримова. — Бошқа ҳамкасбларим қатори 1992 йилда ўзим яшаб турган 5 хоналик квартира менга хусусийлаштирилиб, мулк қилиб берилган эди. Яқинда бир қўшним худди шундай уйни 100 миллион сўмдан зиёдга сотди. Энди ўйласам, давлатимиз шунча бойликни менга бепул берган экан. Ўша пайтда биргина туманимизнинг ўзида 100 дан ошиқ ўқитувчи ана шундай имкониятдан фойдаланган эди. Ҳисоблаб кўринг, Тошкентда, бутун мамлакатимизда қанча мактабу қанча ўқитувчи бор! Мустақиллик шарофати, Юртбошимизнинг маърифатпарварлиги сабабли мана шундай ҳимматдан баҳраманд бўлиб яшаётганимиз ҳақида ҳар доим ўқувчиларимга, фарзандларимга гапириб бераман.»

Юртимизда Ўқитувчилар ва мураббийлар куни умумхалқ байрами сифатида нишонланиши ҳам ёш авлод тарбиячилари бўлган устозларга, таълим соҳаси ходимларига бўлган эҳтиромнинг энг юксак намунаси десак, асло муболаға бўлмайди.

Шуни ҳам таъкидлаш муҳимки, Кадрлар тайёрлаш миллий моделида алоҳида ўрин эгаллайдиган, узлуксиз таълимнинг мустақил тури ҳисобланадиган олий таълим тизимида ҳам жиддий янгиланишлар амалга оширилди. Мамлакатимизнинг ҳар томонлама ривожланишини таъминлашга хизмат қиладиган, ўзи танлаган мутахассислик бўйича бозор иқтисодиёти шароитида мустақил ишлашга лаёқатли, юқори малакали, рақобатбардош кадрларни тайёрлаб етиштириш ушбу тизим олдига вазифа қилиб қўйилди. Бу борада мавжуд олий ўқув юртларининг нуфузини ошириш, уларнинг кадрлар захираси ва моддий- техник базасини мустаҳкамлаш билан бир қаторда, мустақиллик йилларида Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия, Тошкент ислом университетлари, Миллий рассомлик ва дизайн, Тошкент молия, Тошкент давлат шарқшунослик, Тошкент кимё-технология, Тошкент давлат юридик институтлари, Навоий давлат кончилик институти, Жиззах политехника институти, Самарқанд давлат чет тиллар институти, шунингдек, Тошкент Халқаро Вестминстер университети ва Ломоносов номидаги Москва давлат университети, Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академияси, Губкин номидаги Россия нефть-газ университети, Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Турин политехника университетининг юртимиздаги филиаллари ташкил этилганига эътибор қаратадиган бўлсак, соҳада қисқа муддатда нечоғлик улкан ишлар амалга оширилгани аён бўлади.

Мамлакатимизнинг тарихан қисқа даврда биргина таълим соҳасида эришган ютуқларининг ўзи мустақилликнинг нақадар улуғ ва азиз неъмат эканини барчамизга яна ва яна бир бор исботлаб, тасдиқлаб беради.

Иқтисодиётнинг ўсиш суръатлари, унинг модернизация қилиниб, мамлакатимизга хорижий инвестицияларни кенг кўламда жалб этиш мунтасил кўпайиб бораётгани, ўз навбатида, жаҳон андозаларига жавоб берадиган малакали ва билимли кадрларга бўлган эҳтиёжни янада кучайтиради. Юртимизда ана шундай эҳтиёжни олдиндан кўриб ва билиб шакллантирилган замонавий таълим тизими, бу тизимнинг мевалари бўлган юксак билим ва малакали, учта-тўртта касб-ҳунарни, хорижий тилларни эгаллаган, кўрганда одам ҳавас қиладиган ўғил-қизларимиз бу борада бизга таянч ва суянч бўлади.

Бир сўз билан айтганда, соғлом ва баркамол авлод тарбияси борасидаги ислоҳотларимиз жонажон Ўзбекистонимизнинг янада гуллабяшнашига хизмат қилади, унинг буюк келажагининг амалий ифодаси бўлиб, барчамизга ғурур ва ифтихор бағишлайди.

**А.АБДУРАЗЗОҚОВ,**
**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист**

Ishonch
2010-yil 28-avgust № 105-106 (2831)

# Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши



Энг улуғ, энг азиз байрам — Мустақилликнинг 19 йиллиги билан Ўзбекистон халқини ва ҳаётини эл саломатлигига бағишлаган, инсон дардига малҳам бўлиб яшаётган, юраги яхшилигу саховатга тўла шифокорларни, меҳр-муҳаббат тимсоли бўлган ҳамшираларни, соҳа фидойиларини муборакбод этади.

Марказий кенгаш бундан буён ҳам тармоқ ходимларининг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиб, саломатлиги, оиласи, фарзандлари ҳақида ғамхўрлик кўрсатиб, фидокорона меҳнатини қадрлаш, муносиб баҳолаш, қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқариш учун бор имкониятини сафарбар этади.

Мустақилликни мустаҳкамлаш, мамлакатни модернизациялаш, эл саломатлигини муҳофазалаш борасидаги эзгу фаолиятингизда ҳар бирингизга бахту саодат, хонадонингизга файзу барака тилайди.

Қалбингизни озодлик шукуҳи ва истиқлол нури мунаввар этсин!



## Ҳурриятнинг ҳар они барчамизга қувонч ва эзгуликлар ҳадя этсин!

# Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши қошидаги КУРОРТЛАР БОШҚАРМАСИ

Мамлакатимиз фуқароларини Ўзбекистон Мустақиллигининг 19 йиллиги билан қизғин табриклайди. Ушбу қутлуғ кунларда ватандошларимизга сиҳат-саломатлик, улкан муваффақиятлар тилайди.

Юртдошларимизни бошқарма тасарруфидаги шифобахш, табиий иқлими гўзал, маъданли сувларга бой, барча имкониятларга эга, замонавий жиҳозланган санаторийларимизда даволанишга таклиф қиламиз!



# Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши

Азиз халқимиз ва соҳа ходимларини Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги билан чин дилдан қутлайди.
Юрт ободлиги, халқ фаровонлиги йўлидаги эзгу ишларида ватандошларимизга сиҳат-саломатлик, хуш кайфият, дастурхонларига қут-барака тилайди.
Баркамол авлод, соғлом миллат камолоти йўлидаги ишларингизда муваффақиятлар ёр бўлсин!





**Истиқлолимиз абадий бўлсин!**

## Ўзбекистон енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши

Жаннатмакон юртимиз аҳлини Мустақилликнинг 19 йиллиги билан самимий муборакбод этади.
Ўзбекона қадр-қиммат, оқибат ва бағрикенглигимиз бардавом бўлсин. Байрамона кайфият, бахт, омад доимий ҳамроҳимиз бўлсин.



## Бухоро вилоят соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси кенгаши

Юртдошларимиз ва барча тиббиёт ходимларини қалбимизга энг яқин байрам – Мустақиллик куни билан самимий муборакбод этади.
Самарали меҳнатингиз мустақилликни мустаҳкамлаш, Ватан тараққиёти, халқ фаровонлиги, баркамол авлодни шакллантиришга хизмат қилаверсин. Эзгу ишда барчангизга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт ва хонадонларингизга файз-барака тилаймиз.
Олийжаноблик, меҳр-саховат, яхшилик ва самимият қалбингизни тарк этмасин.

**Ҳаётингиз нурли, юрагингиз қурли, мустақиллигимиз абадий бўлсин!**

Ishonch
2010-yil 28-avgust № 105-106 (2831)

## Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмасининг Тошкент шаҳар кенгаши

**Бунёдкор халқимизни диёримиз Мустақиллигининг 19 йиллиги билан чин кўнгилдан табриклайди. Дилингизни Ватанга чексиз муҳаббат, ифтихор ва масъулият ҳислари асло тарк этмасин!**



## Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Андижон вилоят кенгаши

*Ўзбекистон халқини ва соҳа ходимларини Мустақилликнинг 19 йиллик байрами билан самимий қутлайди. Хонадонингизга файзу барака, тинчлик-хотиржамлик тилайди! Осмонимиз мусаффо, Мустақиллигимиз абадий бўлсин!*





## Соғликни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг Қашқадарё вилоят кенгаши

**Мамлакатимиз аҳолисини Мустақилликнинг 19 йиллиги билан қизғин табриклайди. Юртимиз фуқароларига, халқ соғлиғи йўлида хизмат қилаётган ҳамкасбларимизга мустаҳкам соғлиқ, оилавий хотиржамлик, бахт-саодат ёр бўлсин!**

Касаба уюшмаси вилоят кенгаши 118 та бошланғич ташкилот билан ҳамкорликда 60 минг 500 нафардан ортиқ касаба уюшма аъзосининг ижтимоий-иқтисодий, қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, яшаш ва иш шароитларини яхшилаш, меҳнатини муҳофаза қилиш йўлида доимий ғамхўрлик кўрсатмоқда.

«Ижтимоий шерикчилик — самарадорлик гарови» шиори остида иш олиб бораётган касаба уюшмалари иш берувчилар билан ҳамкорликда жамоа шартномаларида белгиланган вазифаларни амалга оширмоқда.

Кам таъминланган, ижтимоий ёрдамга муҳтож, кўп болали оилалар, байналмилалчи жангчиларга касаба уюшма ташкилотлари томонидан 58 миллион 565 минг, ташкилот ва муассасалар томонидан 117 миллион 616 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Соғликни сақлаш ходимлари бундан кейин ҳам ўзларининг бутун куч-ғайрати, билим ва тажрибасини эл саломатлигини муҳофазалашдек фахрли ва шарафли ишга сарфлайверадилар.


Chin OBOD
PREMIUM
Ҳақиқий шифобахш сув —
лаззатли ҳаёт учун куч ва қувват манбаи
Chin OBOD
Chin OBOD
"BAKARD ASIA"МЧЖ Ўзбекистон халқини
Мустақилликнинг 19 йиллиги билан муборакбод этади
Тел.:(+99871) 212 39 21
212 46 92

